

Ўзбекистонлик вакиллар Урдундаги Халқаро Ислон илмлари университетида



09:36 / 09 август 503

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакиллари Урдундаги Халқаро Ислон илмлари университетига ташриф буюришди. Бу ҳақда [@hanafiykulliyasi](#) телеграм канали хабар берди.

Вакилларимиз университет раҳбари, профессор, доктор, **Салоҳ Абулҳаж** ҳазратлари билан учрашув ўтказиб, университетдаги таълим муҳити, дарс ўтиш услуби билан яқиндан танишдилар.

Сўнгра, университетда таҳсил олаётган бир гуруҳ ўзбекистонлик талабалар билан мулоқот бўлиб ўтди. Мулоқот давомида ушбу ўқув даргоҳи таълим тизимидаги афзалликлар, ўзбек талабаларини ўйлантираётган масалалар юзасидан фикр алмашилди. Жумладан, араб тилидан бир қанча мутахассисларни Ўзбекистонга олиб бориш, университет билан Ўзбекистон Халқаро Ислон академияси ва Тошкент Ислон институти орасида талабалар алмашинувини йўлга қўйиш, имом-хатиб ва диний соҳа вакилларининг қисқа муддатли малака оширишларини таъминлаш, ушбу университетнинг Ҳанафий фикҳи

факультетининг таълим тизимини атрофлича ўрганиш ҳақида фикрлар айтиб ўтилди ҳамда талабалар томонидан таклифлар билдирилди.

Ўзбекистонлик вакиллар университет томонининг бу илиқ кутиб олишини юқори баҳолашди.